



## LEADERSHIP ROLES OF A SCHOOL SOCIAL WORKER IN ENSURING THE INTERACTION OF THE FAMILY, SCHOOL AND COMMUNITY

**M. Abdurakhmanova**

Assistant professor  
Fergana State University  
Fergana, Uzbekistan

**J. Sharobidinov**

master's student  
Fergana State University  
Fergana, Uzbekistan

**F. Egamberdiyev**

student  
Tashkent State Law University  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** social work, social worker, school, family, globalization, leadership.

**Received:** 28.06.22

**Accepted:** 30.06.22

**Published:** 02.07.22

**Abstract:** Social work at school employees work in perfect condition to ensure communication between the school, family and community. A model of family-school cooperation that promotes family support and long-term development of the child is crucial for the success of the child. Using strengths, the school's social worker should help parents form a positive view of their child's future, which includes services and assistance that allow the child to live, work and relax in society.

## ОИЛА, МАКТАБ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАКТАБ ИЖТИМОЙ ИШ ХОДИМИНИНГ ЕТАКЧИЛИК РОЛЛАРИ

**М. Абдурахмонова**

Доцент  
Фарғона давлат университети  
Фарғона, Ўзбекистон

**Ж. Шаробидинов**

магистрант  
Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

**Ф. Эгамбердиев**

талаба

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижтимоий иш, ижтимоий иш ходими, мактаб, оила, глобаллашув, етакчилик.

**Аннотация:** Мактабдаги ижтимоий иш ходимлар мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасидаги алоқани таъминлашлари учун мукаммал ҳолатда фаолият олиб борадилар. Оилани қўллаб-қувватлашга ва боланинг узок муддатли ривожланишига ёрдам берадиган оила ҳамда мактаб ҳамкорлиги модели боланинг муваффақияти учун жуда муҳимдир. Кучли жиҳатлардан фойдаланган ҳолда, мактабнинг ижтимоий ходими ота-оналарга боласининг келажаги тўғрисида ижобий тасаввурни шакллантиришда ёрдам бериши керак, бу эса болага жамиятда яшаши, ишлаши ва дам олиш имкониятини берадиган хизматлар ҳамда ёрдамни ўз ичига олади.

## РУКОВОДЯЩИЕ РОЛИ ШКОЛЬНОГО РАБОТНИКА ПО СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЕ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЕМЬИ, ШКОЛЫ И СООБЩЕСТВА

**М. Абдурахманова**

Доцент

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

**Ж. Шаробидинов**

магистрант

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

**Ф. Эгамбердиев**

студент

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** социальная работа, работник социальной работы, школа, семья, глобализация, лидерство.

**Аннотация:** социальная работа в школе сотрудники работают в идеальном состоянии, чтобы обеспечить связь между школой, семьей и сообществом. Модель сотрудничества семьи и школы, которая способствует поддержке семьи и

долгосрочному развитию ребенка, имеет решающее значение для успеха ребенка. Используя сильные стороны, социальный работник школы должен помочь родителям сформировать позитивное представление о будущем своего ребенка, которое включает в себя услуги и помощь, которые позволяют ребенку жить, работать и отдыхать в обществе.

### КИРИШ

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари жадаллик билан кечаётган бир даврда мактаблар кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Қашшоқлик ва камбағалликнинг ўсиши, оиладаги зўравонлик, таҳқирлаш, ўқувчилар саломатлиги каби муаммолар мактабларни инқирозга олиб келмоқда[1]. Хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган турли тоифадаги ўқувчилар ривожланишининг муҳим босқичида юзага келадиган муаммоларни енгиш учун уларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш фаолиятини амалга ошириш долзарбдир. Шунингдек бугунги кунда асосан ёшлар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларнинг оқибати билан ишлаб қолинаётганлиги, ёшлар билан ишлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир[2]. Демак муаммоларни олдини олиш учун энг аввало ҳамкорлик ишларини кучайтириш, бунга эришиш учун мактаб тизими, оилалар ва қонун чиқарувчилар биргаликда ечимларни излаши керак.

Мактабдаги ижтимоий иш ходимларга мактаб - ҳамжамият ҳамкорлиги ташаббусларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда етакчи ролни ўйнашга бўлган эҳтиёж, этник жиҳатдан турлича ва кам даромадли оилалар ҳамда маҳаллаларда аҳамияти катта. Синфдаги бир қатор маданий тўсиқ ва фарқлар кўпинча мактаб ходимлари, ота-оналар ва бошқа ҳамжамият аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади[3]. Ушбу тўсиқларга давлат тилида сўзлаша ололмайдиган оилаларнинг тил тўсиқлари, маданий муассасалар, кутубхоналар ва кўнгил очар тадбирларга киришни чеклайдиган маҳаллалардаги камбағаллик, кам таъминланганлик, қашшоқлик концентрацияси киради. Бошқа тўсиқлар салбий муносабатлар, ишончсизлик ва шаҳарлик ота-оналари ҳамда мактаб ходимлари ўртасидаги тушунмовчиликларни қамраб олади. Кўпинча шаҳарлик ота-оналар ўзларининг салбий тажрибалари, уларнинг берилгану лекин бажарилмаган ваъдалари ва ота-она сифатида амалга ошириб бўлмайдиган умидлари туфайли жамоат таълимига шубҳа билан қарашади[4].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ота-оналар ва мактаб ходимлари ўртасидаги доимий можаро турли хил йўллар билан юзага келди. Масалан, йиғилишларни режалаштириш жараёнида жамоат аъзолари кўпинча директор билан баҳслашади ёки раҳбарнинг услуби ва ўзаро муносабатларига ғазабланишади ҳамда ўқитувчиларни ўқитиш усуллари учун айблашади ва танқид қилишади. Йиғилишлар кўпинча қарама-қарши фикрларни муҳокама қилиш учун ўтказилади. Учрашувларнинг оҳанги зиддиятли бўлиб, гуруҳларда олдинга силжиш ёки ўз вазифаларини давом эттириш қийинлашди.

Мактабдаги ижтимоий ходимлар, ўзаро низоларни ҳал қилишда воситачилик қобилиятлари ва тажрибаси билан, бир томондан, этник ва иқтисодий жиҳатдан фарқли ота-оналарга, мактаб ходимларига ва бошқа томондан, мактаб ва жамият ўртасидаги бўшлиқни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Мактабдаги ижтимоий ходимлар этник жиҳатдан турлича ва камбағал ота-оналарни жалб қилиш ҳамда уларга ваколат беришда муҳим рол ўйнаши мумкин. Этник жиҳатдан номутаносиб ва камбағал ота-оналар учун бу ота-оналарнинг пассив муносабатидан мактабларда хизмат олишдан масъулиятли ва муҳим ролни олишга ўтишни англатади. Ушбу саъй-ҳаракатлар, шунингдек, мактаб ижтимоий ходимларидан амалда “камбағал ёндашув”дан “оиланинг кучлилиги ёндашув”га ўтишни талаб қилади.

Мактабда ижтимоий иш шаклланишида оила - мактаб ҳамкорлиги 1970-йилдан бошлаб, кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Ж.Эпстеин ва С.Ли “оиладаги мактаб орқали мулоқот, болаларга таълимнинг аҳамияти ва бола ҳаётидаги ушбу икки (оила ва мактабнинг ўзаро таъсири) асосий таъсир доиралари ўртасидаги қўллаб-қувватлашни ва узлуксизликни таъминлайди”[6] деб таъкидлайдилар. С.Гермаин “ мактабнинг ижтимоий ходими "нафақат бола ва мактаб, балки оила ва мактаб, ҳамжамят ва мактабнинг ўзаро алоқасида туради, шу тарзда улар болага, ота-оналарга ва жамоага ижтимоий компетенцияни ривожлантиришга ёрдам беришлари ва шу билан бирга мактабнинг болалар, ота-оналар ҳамда жамият эҳтиёжлари ва истакларига жавоб бериш қобилиятини оширишлари мумкин”[7] деб кўрсатади. Д.Ундервууд эса “мактабдаги ижтимоий ходимлар ота-оналар томонидан фарзандларининг таълим олишда иштирок этишларини таъминлашлари керак”[8] деб таъкидлайди.

Мактаб ижтимоий ходимлари ўқувчиларга атроф-муҳит таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишлари керак. Шунинг учун, мактабдаги ижтимоий ходим сифатида иш йўналиши, ўқувчиларнинг психосоциал ўзаро таъсирига қаратилиши керак. Ўзаро таъсир етишмаслиги ёки ёмон ўзаро таъсир кўпинча ўқувчиларнинг соғлом психосоциал

ривожланишини чеклайди. Ўқувчилар етарли даражада қўллаб - қувватланмайдиган муҳитда бўлганларида, мактаб ижтимоий ходимлари воситачилар ролини бажаришлари керак, улар турли муҳитлар орасидаги алоқани яхшилаш учун фаол агент бўлиб, хизматдан фойдаланувчилар учун янада қулай муҳит яратиши керак. Бундай ҳолларда ижтимоий иш ходимлари:

✓ биринчидан, муносабатлар тизимлари ёки шахслараро кўникмалар, мактаб тизимидаги турли томонлар ёки манфаатдор томонлар билан ишлашда муҳимдир. Ота-оналар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар билан коллегиал ҳамда яхши муносабатларни сақлаб қолиш мактаб тизимида ўзгаришларни амалга ошириш учун пойдевор ҳисобланади;

✓ иккинчидан, мактаб ижтимоий ходимларининг музокаралар ёки воситачилик қобилиятлари ҳам муҳимдир. Уларнинг сўзларига кўра, улар ҳар доим турли хил томонлар, масалан, оила шароитида, ўқувчилар ёки мактаб ходимлари ўртасидаги шахслараро ва гуруҳий низоларни ҳал қилишади. Етарли музокаралар ёки воситачилик қобилиятига эга бўлган ижтимоий ходимлар уларга низоларни ҳал қилишда ва уйғун муносабатларни тиклашга ёрдам беришлари мумкин. Мактабдаги ижтимоий иш хизматида ижтимоий ходим низоларни ҳал қилиш, шу жумладан воситачилик ва музокаралар кўникмаларига эга бўлиши муҳимдир.

Демак, мактаб ижтимоий ходимлари мактаблар, оилалар ва жамоаларни боғлаш ва ижобий муносабатларни ўрнатиш кўникмаларига эга бўлиб, ўқитувчилар ва ота-оналар ижтимоий ишчи жамоани қўллаб-қувватлаш ҳамда оилаларни мактаблар билан боғлашда қандай рол ўйнашини тушунишлари керак. Шунингдек, ҳамкорлик ва фанлараро иш мактабдаги ижтимоий ишнинг марказида туриши зарур. Чунки, мактаб ижтимоий иш ходимлари мактабларни доимий равишда қўллаб-қувватлашни ривожлантириш ва оилаларга жамоат ҳамда мактаб ресурслари билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга.

Ижтимоий иш ходими ўқувчилар фаолиятини яхшилашда ўқувчилар ва уларнинг ўқиш жойлари ўртасидаги номувофиқликнинг қуйидаги соҳаларини аниқлашлари мумкин:

- 1- баҳолар
- 2- таҳқирлаш
- 3- оилавий муносабатлар
- 4- паст иқтисодий аҳвол.

Мактаб ижтимоий ишчиси яхлитлик характери ва мукамаллик қобилияти орқали ота – она – ўқувчи - ўқитувчи контекст алоқаси орқали, шунингдек, ота – она – ўқувчи

ўртасидаги умумий таҳмин ва тушунчаларни кашф этиш орқали оила ва мактаб контекстлари ўртасида воситачилик қилиш орқали ушбу тафовутларни ҳал қилиши мумкин.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мактаб ижтимоий ходимининг роли таълим муҳитида янги иштирокчи сифатида, яъни хавф остида бўлган ўқувчиларга ижтимоий ва шахсий тўсиқларни енгиб ўтишда ёрдам беришда акс этади. Мактабнинг ижтимоий ходими академик муаммоларни мактаб психологлари, таълим мутахассислари, ўқитувчилар ва оилалар билан биргаликда қўшимча экспертиза орқали ҳал қилади. Шу сабабли мактабдаги ижтимоий ишчи ўқувчилар ва уларнинг ижтимоий контекстларини ўзаро, интерфейсга ва фанлараро инновацион ёндашув билан таъминлайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Chen,G.(2019).10 Major Challenges Facing Public Schools. Retrieved from: <https://www.publicschoolreview.com/blog/10-major-challenges-facing-public-schools>
2. Нарбаева Т. Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили//Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ўрни. - Тошкент - Iqtisod-Moliya. 2019. - Б.8.
3. Абрамсва Тейлор-Гиббс, 2000.
4. Хамптон, Мумфорд, &Бонд, 1998.
5. Meyer, L. (2000). Home–school collaboration. In A. Ford, R. Schnoor, L. Meyer, L. Davern, J. Black, & P. Dempsey, The Syracuse community-referenced curriculum guide for students with moderate and severe disabilities (pp. 17–28). Baltimore: Brookes.
6. Epstein, J. L., & Lee, S. (1995). National patterns of school and family connections in the middle grades. In B. A. Ryan, T. Adams, R. Gullotta, G. Weissberg, & R. Hampton (Eds.), The family–school connection: Vol. 2. Theory, research, and practice (pp. 108–154). Thousand Oaks, CA: Sage. Broussard, C. A. (2003). Facilitating home-school partnerships for multiethnic families: School social workers collaborating for success. Children and Schools, 25(4), 211–222.
7. Germain, C. B. (2002). An ecological perspective on social work in the schools. In R. Constable, S. McDonald, & J. P. Flynn (Eds.), School social work practice, policy and research perspectives (5th ed., pp. 25–35). Chicago: Lyceum Books. –P.27

8. Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. *Журнал Социальных Исследований*, 3(6).
9. Абдурахмонова, М. М. (2021). ТЕОРИИ МЕЖСЕКТОРАЛЬНЫХ ПОДХОДОВ К ЗАЩИТЕ ДЕТЕЙ. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.
10. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).
11. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
12. Абдурахмонова, М. М. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛЕ. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.
13. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. *Ученый XXI века*, 62.
14. Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). EFFICIENCY OF MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE PREPARATION OF QUALIFIED PERSONNEL. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.
15. Абдурахмонова, М. М. (2021). МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).
16. Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.
17. Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. *Теория и практика современной науки*, (3), 9-11.
18. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). UZBEK MODEL OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.
19. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
20. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.



21. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
22. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.
23. Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
24. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. Chief Editor.
25. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
26. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
27. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
28. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
29. Abdurakhmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.